




XASR



ЎТМОЙ-СИЙОСИ
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 24 ноябрь, пайшанба
47-(419)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ТҶККИЗ ОЙИДА
иктисодиётда ўзлаштирилган
инвестицияларнинг умумий ҳажми
12215,9 миллиард сўмни ташкил
қилди



«КАПИТАЛБАНК»НИНГ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
томонидан тадбиркорлик
фаолиятига ажратилган
кредитлар миқдори **2387,1** млн.
сўмни ташкил этди



ТАХЛИЛЧИЛАР ХХ АСРНИНГ СЎНГИ
ЎН ЙИЛЛИГИ ва янги асрнинг
бошланиш даврини дунёда
террорчилик хуружлари ва
трансмилий уюшган жиноятчилик энг
кучайган давр, дея баҳоламоқдалар

03 КОНЦЕПЦИЯ

06 ТАДБИРКОРЛИК

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИЖРО ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА ЭМАС

Олий мажлис қонунчилик палатасидаги О'ЗЛИДЕП ФРАКЦИЯСИ ХАМДА САНОАТ, КУРИЛИШ ВА САВДО МАСАЛАЛАРИ КҮМИТАСИНИНГ КЎШМА МАЖЛИСИДА «ЎЗБЕКНЕФТАЗ», «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ВА «ЎЗКИМЕСАНОАТ» ТИЗИМИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАХЛИЛ КИЛИНИБ, КЎЛГА КИРИТИЛГАН НАТИЖАЛАР БАРОБАРИДА АЙРИМ КАМЧИЛИКЛАР ХАМОН САКЛАНИБ КОЛАЁТГАНИ ТАЪКИДЛАНДИ



Маълумки, 2011 йилнинг 15 июлида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида яратиб берилган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида миллий парламенти тарихида илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи эшитилиб, унда инвестиция дастурига киритилган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгиланишнинг муҳим йўналишлари бўйича ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши муҳокама қилинган эди.

3 >>>

ЮТУҚЛАРДАН ҲАВОЛАНМАЙЛИК

О'ЗЛИДЕП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН МЕХНАТ ЯРМАРКАЛАРИДА ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ АТИГИ 10 ФОИЗИ МУҚИМ ИШ ЎРНИГА ЭГА БЎЛГАНИДАН «ЁШЛАР КАНОТИ» ЖИДДИЙ ХУЛОСАЛАР ЧИКАРИШИ ЛОЗИМ

О'зЛиДеП Фарғона вилоят кенгаши фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, вилоятдаги 356 та бошланғич ташкилот ўз атрофида 10770 аъзони бирлаштирганлини, уларнинг ярмидан кўпи, яъни 5448 нафари 34 ёшгача бўлган йигит-қизлардан иборат экани яққол кўзга ташланади.

Мавжуд БПТларнинг 76 тасига ёшлар етакчилиги қилаётгани эса вилоятда янги авлод вақилларининг фаоллигидан далолат бермоқда. Айниқса, Қўштепа, Бувайда ва Дангара туманлари, Фарғона шаҳрида ёш раҳбарлар салмоқли ўрин эгалламоқдалар.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА:

ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРДАН — АМАЛИЙ ИШЛАРГА

Ҳисобот-сайлов конференциясида вилоят кенгаши фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликлар, жумладан, бирорта ҳам масала вилоят кенгаши сессияси кун тартибига киритилмагани, жойларда етарли кадрлар захираси сақланмаганига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишда юқоридаги камчиликларни бартараф этиш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланиб, О'зЛиДеП вилоят кенгашининг янги таркиби сайланди.

02 >

Бюджет — 2012

2012 ЙИЛДА САНОАТ СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН ЯГОНА СОЛИҚ СТАВКАСИНИНГ 6 ФОИЗДАН 5 ФОИЗГА ПАСАЙТИРИЛИШИ ЖАМИ 52 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДАГИ МАБЛАҒНИНГ АНА ШУ КОРХОНАЛАР ХИСОБИДА КОЛДИРИЛИШИНИ КЎРСАТМОҚДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 18 ноябрь куни бўлиб ўтган ялпи мажлисида 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама этилиб, унда келгуси йилда ялпи ички маҳсулот ўси-

шининг барқарор юқори суръатлари сақланиши, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, капитал қўйилмалар, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳажмининг ўсиши, шунингдек, инфляция даражаси охири кетмаслиги таъминла- нишини назарда тутувчи макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича ҳуқу-

мат тақлифлари атрофлича муҳокама қилинди. — 2012 йил учун солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси аҳоли турмуш шароитлари ва даражасида янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарамай, мам-

лакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чоратадбирлар комплекси амалга оширилишини назарда тутди. — дейди О'зЛиДеП фракцияси аъзоси Пўлат Рейимов.

2 >>>

Инвестиция — тараққиётга хизмат қилади

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАКИДА»ГИ КОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА КИЛИНМОҚДА

Президентимиз Ислон Каримов мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистон табиий ҳомашё захираларига бойлиги, уни бугунги ва эртанги авлод фаровонлиги

йўлида ишлаши зарурлигига эътибор қаратиб, мазкур жараёни фақат инвестиция йўли билан ва бу инвестицияларга қулай шарт-шароит яратиш, уларга ишончли кафолат бериш

орқалигина амалга ошириш мумкинлигини таъкидлаган эди. Шу боисдан ҳам ўтган йиллар мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Бу хорижий сармодорларнинг юртимиз бозорларига қизиқишини оширди. Бугунги кунда чет эллик инвесторлар иштирокида қўллаб-қувватланган лойиҳалар амалга ошириляптики, бу ҳам мамлакатдаги қулай инвестициявий муҳитдан далолатдир.

3 >>>

«КҮКСУ» CHRISTIE'S GA ҚЎЙИЛАДИ

Тошкентлик расом Александр Волковнинг «Кўксу тоғ дарёси» номли пейзажи Лондондаги Christie's аукционига қўйилади. 01am.uz сайтида хабар қилинишича, 1914 йилда яратилган мазкур асар тахминан 300-400 минг фунт стерлинг атрофида баҳоланмоқда. Маълумотларга қўра, шу пайтга қадар расом меросхўрлари оиласида сақланган картина савдога 28 ноябрь куни қўйилади. 1886 йили ҳозирги Фарғона шаҳрида туғилган А.Волков узок йиллар Тошкентдаги санъат билим юрлари ва ижодхоналарда расомчиликдан дарс берган ва 1957 йилда вафот этган.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни >

Конституция — бахтимиз пойдевори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА АДЛИЯ ВАЗИРЛИКЛАРИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ, «ТАСВИРИЙ ОЙИНА» ИЖОДИЙ УЮШМАСИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ХАМКОРЛИГИДА АНА ШУ ШИОР ОСТИДА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНШОЛАР, ФОТОЛАВҲАЛАР ВА ТАСВИРИЙ САЊАТ АСАРЛАРИ ХАМДА ВИДЕОРОЛИКЛАР РЕСПУБЛИКА КҮРИК-ТАНЛОВИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТИ БОСКИЧИ ЯКУНЛАНДИ

— Танловни ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларни мамлакатимиз Бош Қомуси мазмун-моҳияти билан янада яқинроқ таништириш, Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини ёзма ишларда, тасвирий асарларда, кўргазмали воситаларда ифодалаш, таълим муассасаларининг маънавий-маърифий, ҳуқуқий-ахлоқий мазмундаги кўргазма воситалари билан жиҳозланишини яхшилаш, ўғил-қизларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда ижтимоий фаоллигини оширишдан иборат, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси Ихтиёр Зарипов. — Танловнинг қўйи босқичларида 55 минг нафардан зиёд юқори синф ўқувчилари иштирок этди. Улар орасидан сараланган 117 нафар иштирокчи танловнинг вилоят босқичида ўз билим ва қобилиятини синовдан ўтказди.

Танловга тақдим этилган асарлар орқали иштирокчиларнинг Бош Қомусимиз моҳиятини англаши ва ҳуқуқий билимдонлиги ҳакамлар ҳайъати томонидан ҳолисона баҳоланди. Бухоро туманидаги 53-ихтисослашган умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Интизор Сирожева иншолар бўйича, Бухоро шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Ситора Қаршиева фотолавҳалар ва тасвирий санъат йўналишида, Шофиркон тумани 4-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Азамат Муртазоев видеороликлар танловида биринчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎЗА)

«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА >



Эзгулик ниҳоллари

КЕКСА БИР КЎШНИМИЗ БЎЛАДИ. ЙИҒИНДАМИ, ЎЗ УЙИДАМИ, ҲАР ГАЛ ДАСТУРҲОН АТРОФИДА ДУОГА ҚЎЛ ОЧАР ЭКАН, «ТИНЧЛИК, ХОТИРЖАМЛИКНИ БЕРСИН», ДЕБ КЎЯРДИ

Бир куни даврада ўтирган биз, ёшлар «Бува, шундоқ ҳам тинчмиз, ундан кўра бойлик берсин, мол-давлат берсин», десангиз бўлмайди, дея ҳазиллашдик. Қария мийғида жилмайди-ю, бошини оғир чайқаб, сўз қотди: «Тинчликнинг фарқи нотинчликни кўрганлар етишади. Майли, сизлар фарқида бормасдан ўтинлар илойим, аммо тинчлик неъматининг қадрига етишни ўрганинглар. Тинчлик бўлмаса, молдунё ҳам татимайди. Бугунидан хотиржам одамгина эртанги кунига ишонади. Эртасидан умиди бўлмаган кишига эса тилла ҳамён чиқара?!»

Дарҳақиқат, биз шундай бир даврда яшаётганимиз, хотиржам ухлаймиз, хотиржам уйғонамиз, тўй-тантаналар қиламиз, яқин келажақ учун режалар тузимиз... Аммо бундай тинч ва осуда ҳаёт ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаганини, унга эришиш учун қанчадан-қанча машаққатли йўللارни босиб ўтишга тўғри келганини ҳар доим ҳам англаб етмаймиз. Халқимизнинг не-не мард ўғлонлари шу йўлда азиз жонларини қурбон қилдилар.

5 >>>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 22 НОЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▼ 1770,55	1 АҚШ доллари	▲ 1776,59	1 Ҳитой юани	▼ 279,58
1 Англия фунт стерлинги	▼ 2796,89	1 Миср фунти	▲ 297,04	1 Малайзия ринггити	▼ 559,9
1 Дания кронаси	▼ 322,69	1 Исландия кронаси	▼ 15,08	1 Польша злотийси	▼ 544,02
1 БАА дирҳами	▲ 483,70	1 Канада доллари	▼ 1725,85	1 СДР	▲ 2787,86

1 Туркия лираси	▼ 974,01	1 Япония йенаси	▲ 231,27
1 Швейцария франки	▼ 1936,34	1 Россия рубли	▼ 57,46
1 ЕВРО	▼ 2408,73	1 Украина гривнаси	▲ 222,50
1 Жанубий Корея вони	▼ 15,59		

ПАРЛАМЕНТДА

web sayli: www.21asr.uz

Бюджет — 2012

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Фирдавс ХАМИДУЛЛАЕВ,
«XXI ASR»

Чунки молиявий-иқтисодий инқироз даврида дунё бозорларида ялпи эҳтиёжнинг сезиларли даражада камайиши кузатилаётган бир пайтда ички талабни рағбатлантириш барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг самарали йўлидир саналади.

Бундан ташқари, ички талабни кенгайтиришда асосий эътибор саноат маҳсулотлари ва хизмат турларини кўпайтириш, улар сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодийдаги салмоғини янада кенгайтириш, инфраструктура объектлари қурилиши ҳажмини ошириш ва қишлоқларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш масалаларига қаратиш режалаштирилмоқда.

О'zLiDeP фракцияси аъзоси Насим Алимовнинг таъкидлашича, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг молиявий имкониятларини янада ошириш мақсадида 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона солиқ тўлови ставкасини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодиётимизни барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлмиш иқтисодий реал секторда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Бу ана шу корхоналар ичтирида 52 млрд. сўмдан ортиқ қўшимча маблағ қолади ва уларнинг ишлаб чиқариши кенгайтириш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали янги иш ўринларини яратиш бўйича имкониятлари кенгайтирилади, дегандир.

Умуман олганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсатининг 2012 йилда ҳам изчил давом эттирилиши натижасида соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,5 фоизга етиши кутилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Қобилжон Тошматов эса 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида ушбу соҳада фаолият олиб бораётган яққа тартибдаги тадбиркорлар учун ўрнатилган солиқ ставкаларини ўртача 2 баробарга пасайтириш назарда тутилаётганини таъкидлади.

Депутатнинг фикрича, бу 2012 йилда ушбу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 52 фоизгача етказишнинг энг муҳим омилларидан биридир.



Эътибор беринг: давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан Португалияда **217** фоизни, Испанияда — **154**, Грецияда — **142**, Америка Қўшма Штатларида эса **100** фоизни ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача **85** фоиздан иборат. Энг муҳими, Ўзбекистонда ташқи қарзни тўлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари **2012** йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,3** фоиздан ошмаслиги таъкидланаяпти.

зишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимизда солиққа тортиш тизимининг изчил такомиллаштирилиши натижасида жами бюджет даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,1 фоизни ташкил этиши кутилаётгани Ўзбекистонда барқарор ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганининг яна бир далилидир.

Соҳа мутахассислари, шунингдек, янги йилда ижтимоий соҳа тармоқлари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга жами бюджет маблағларининг қарийб 60 фоизини йўналтириш кўзда тутилаётганини алоҳида таъкидламоқдалар. Ушбу маблағларнинг аксарияти фан-таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга, янги давр кадрларини ҳар томонлама етук, соғлом, бир сўз билан айтганда, баркамол авлодни тайёрлаш мақсадларига йўналтирилади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий экспертлар ва миллий мутахассисларимиз томонидан юртимиз келажагига «инвестиция» ҳамда мамлакатимизда интеллектуал ривожланган жамиятни шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар сифатида баҳоланмоқда. Мамлакатимизда интеллектуал мулк эгалари сонини кўпайтиришга қаратилган бу

харажатлар, юртимиз иқтисодиётининг нафақат яқин келажак, балки узоқ мақсадли стратегик йўналишларда ҳам рақобатбардор бўлишини таъминлаши аниқ.

Бу яна бир қарра Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбек модели»нинг реал натижаларини кўрсатмоқда.

Шу ўринда жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари асосан ташқи қарзлар эвазигагина инқироздан чиқиш йўллари кидираётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10 фоиздан ошмаётгани мамлакатимизда молиявий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Эътибор беринг: давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан Португалияда 217 фоизни, Испанияда — 154, Грецияда — 142, Америка Қўшма Штатларида эса 100 фоизни ташкил этмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 85 фоиздан иборат.

Энг муҳими, Ўзбекистонда ташқи қарзни тўлаш билан боғлиқ бюджет харажатлари 2012 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиздан ошмаслиги таъкидланаяпти.

Маълумки, шу йилнинг 2-15 ноябрь кунлари Халқаро

Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти бўлими бошлигининг ўринбосари Вероника Бақалу хоним раҳбарлигидаги миссияси Тошкентда бўлганида сўнгги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу ҳаттоки иқтисодий ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан анча юқорилиги, қатор йиллар давомида кузатишган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги таъкидланди. Давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш эса мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Бир сўз билан айтганда, аввал Қонунчилик палатаси кўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларида тегишли идоралар, шунингдек, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ҳар томонлама кўриб чиқилган давлат бюджетни лойиҳаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар 2012 йилда ҳам изчил давом эттирилишидан далолат бермоқда. Шунинг учун ҳам ялпи мажлисда 2012 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда Давлат бюджетни лойиҳаси сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлик гуруҳлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Муҳокама яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, Давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлади.



Дастурий мақсадлардан — амалий ишларга

О'zLiDeP ХУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ХИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ПРЕЗИДЕНТ КОНЦЕПЦИЯСИ ҲАМДА «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ МАСАЛАЛАРИГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2011 йил 3 июндаги қарорига мувофиқ, ҳудудий партия ташкилотларининг фаолияти юзасидан ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказиш режалаштирилиб, июль ва сентябрь ойларида мазкур тадбирларнинг шаҳар ва туман босқичлари бўлиб ўтди. Конференциялар таҳлили куйи бўйича фаолият партиянинг дастурий мақсад-вазифалари асосида ташкил этилганини кўрсатмоқда. Бироқ туман ва шаҳар кенгашилари ишини бугунги кун талаблари асосида қайта ташкил этиш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, партия аъзоларини аҳолининг кенг қатлами орасида ёйиш борасида ҳали-ҳануз жойларда жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам аён бўлиб қолди. Тадбирларнинг вилоят босқичлари жараёнида шу каби нуқсонларни бартараф этиш, жумладан, кенгашилар ва улар қошидаги аёллар, ёшлар бўлимлари, бошланғич ташкилотлар ишини фаоллаштириш, депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига олиб чиқилаётган мавзулар қамровини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар чуқур таҳлил қилинмоқда.

Шу ўринда ҳисобот-сайлов конференцияларида Юртбошимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» ҳамда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар ижроси атрофида муҳокама қилинаётганини айтиб ўтиш жоиз.

О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида мавжуд 12 та ҳудудий кенгаши фаолияти таҳлил этилиб, эришилган натижалар алоҳида таъкидланди ҳамда йўл қўйилган камчиликлар атрофида муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, бугун ўз сафларига 8233 нафар аъзони бирлаштирган Сирдарё вилоят кенгаши 310 та бошланғич ташкилот орқали партиянинг гоё ва мақсадларини аҳоли кенг қатламлари орасида тарғиб қилмоқда. Кейинги уч йил мобайнида ўтказилган 1350 дан ортиқ тадбирларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, аёллар ва ёшлар ўртасида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг мувожаатларига ҳам жиддий масъулият билан ёндашилмоқда. 2011 йилнинг 9 ойи мобайнида 130 нафар фуқаронинг мувожаатлари ўрганиб чиқилиб, уларнинг 70 фоизи ижобий ҳал этилди, шу асосда давлат идо-

раларига 30 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилди.

Тадбирда қонунчилигимизга киритилган янги ўзгариш ва қўшимчалар асосида парламентда илк бор ўтказилган Бош вазир ҳисоботини эшитиш амалиёти сиёсий партиялар ва уларнинг ҳудудий тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши таъкидланди. Иштирокчилар фикрича, ушбу эшитувдан сўнг қабул қилинган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма қароридан кўзда тутилган вазифалар нафақат ижро ҳоқимияти, балки маҳаллий кенгашилар ҳамда улар қошидаги депутатлик гуруҳларига ҳам бевосита алоқадордир. Зеро, янги иш ўринлари ташкил этишда ташаббускор бўлиш, минтақаларда бандлик дастурининг ижросини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчилари ўртасида доимий мониторинг ўтказиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка тўсиқ бўлаётган муаммоларни яқиндан ўрганиш, шу асосда тегишли тадбирларни белгилаш ҳудудий партия ташкилотларининг бирламчи вазифаларидан саналади. О'zLiDeP вилоят кенгаши ўз фаолиятини шу талаблар асосида ташкил этишга ҳаракат қилиб, ҳудуддаги ўз вакиллари орқали депутатлик назорати институтидан кенгроқ фойдаланишга интиломоқда. Бу жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ўтказилган депутатлик гуруҳларининг йиғилишларида яққол намоён бўлди. Хусусан, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ, касб-хунар коллежлари битирувчилари учун ажратилаётган имтиёзли кредитларга оид масалани кўриб чиқиш, унинг натижаларини таҳлил қилди. Маълум бўлдики, ёшлар ўртасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича тижорат банклари, вилоят касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси, айрим шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Шу боис масалани вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқишга қарор қилинди.

Анжуманда О'zLiDeP вилоят кенгаши фаолиятида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар ҳам тилга олинди. Жумладан, бирорта муҳим масала ҳалигача вилоят кенгаши сессияси кун тартибига киритилмаган, жойларда етарли кадрлар захираси шакллантирилмаган. Бу эса малакали кадрлар етишмовчилигига сабаб бўлаётди. Йиғилишда юқоридаги каби камчиликларни бартараф этиш учун барча куч ва имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланиб, О'zLiDeP вилоят кенгашининг янги таркиби сайланди.

Конференцияда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарат раҳбари Фурқат Ҳотамов иштирок этди.

ҲОЗИР «SPARK», РЕЙНИЧЛИК ЭСА «LACETTI»...

Наманган вилоятининг Чуст туманида Асака заводи автомобиллари учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона — «Avtosanoatplast» МЧЖ фаолият кўрсата бошлади.

«Ўзвасаноат» акциядорлик компанияси ахборот хизматидан хабар қилинишича, замонавий технологик ускуналар билан таъминланган корхонада «Spark»лар учун 3 хилдаги пластмасса жиҳозлари тайёрланмоқда.

Йил охиригача ана шундай маҳсулотлардан қарийб 8000 донга ишлаб чиқариш режалаштирилган. Айни пайтда эса қўшимча линияларни ишга тушириш ҳисобига «Lacetti» автомобиллари учун ҳам пластмасса жиҳозлар тайёрлашга ҳозирлик қўрилаяпти.

Учинчи сектор эътибори аёлларга қаратилмоқда

ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ БУГУНГИ БОСҚИЧИДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЗИММАСИГА АЁЛЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ, УЛАР УЧУН ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КАБИ МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАЛАР ЮКЛАТИЛГАН МИНГЛАБ ОПАСИНГИЛЛАРИМИЗНИНГ ОРЗУ-ИСТАКЛАРИНИ РЎЁБА ЧИҚАРИШ ИМКОНINI БЕРАЯПТИ

Наргиза КАҲҚОРОВА,
«XXI ASR»

Айниқса, бу борадаги ишларнинг ижтимоий шериклик асосида амалга оширилаётгани жойларда бир қатор ижобий натижаларга олиб келаяпти.

Ўзбекистон Нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Республика Хотин-қизлар қўмитасининг «Аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини ошириш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик режаси»га мувофиқ амалга оширилаётган қатор дастурлар бунга мисол бўлиши мумкин.

Бу борада асосий эътибор хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган ай-ниқса эътиборлидир. Ассоциация мутахассислари меҳнат бозорига нисбатан вазиати мураккаб бўлган 14 та тумандаги бандлик дастури параметрлари бажарилиши устидан жамоат назоратини ўрнатилгани, натижада Наманган вилоятидаги Мингбулоқ, Қосонсой, Янгикўрғон, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи туманларида янги иш ўринлари яратиш масаласи ижобий ҳал этилаётганини таъкидлаш жоиз.

Албатта, аниқ мақсад сари ташланган ҳар қандай қадам қўзланган маррага етказилади.

Шу нуқтаи назардан, Наманган вилоятидаги «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг февраль-июнь ойларида 32 та кичик корхона очилиб, жами 126 та янги иш ўрни яратилганини, «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан грант маблағи эвазига 360 нафар аёл-қиз касб-хунарга ўргатилиб, уларнинг 120 нафари иш билан таъминланганини реал натижалар сирасига киритиш мумкин. Айни пайтда эса уюшма томонидан яна 30 та корхона очилиши ва уларнинг ҳар бирида 4 тадан иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ассоциация-

нинг Қашқадарё, Жиззах вилоятларидаги аъзолари «Юксалиш», «Истиқболли авлод», «Қалб нури»нинг жамоат фонди грантлари асосидаги лойиҳалари Фориш, Янгиобод, Деҳқонобод, Қамаш ва Чироқчи туманларида ишсизлик муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнаётганини таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, миллий ассоциация аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, замонавий раҳбар кадрлар тайёрлашда илмий-услубий кўмак бераётгани хотин-қизларнинг жамиятдаги иштирокини оширишга тўғридан-тўғри хизмат қилмоқда.

КОНЦЕПЦИЯ

www.21asr.uz

Ижро талаб даражасида эмас

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Ушбу эшитувдан сўнг, «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қарори эълон қилинди.

Мазкур қарорда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши жараёнида қўлга киритилган натижалар билан бир қаторда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзэлтехсанот» уюш-



Мамлакатни модернизация қилиш жараёни бевосита инвестициявий лойиҳаларни ҳаётга самарали татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир. Чунки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари тўла бартараф этилмаган бугунги мураккаб шароитда фақатгина сармоя киритиш ва истикболли лойиҳаларни амалга ошириш орқалигина иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Ана шундан келиб чиқиб кўмига ишчи гуруҳи октябрь ва ноябрь ойларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни қайта ўрганиб чиқди.

маси корхоналарида йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатмалар ҳам белгилаб берилган. Шунингдек, унда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш борасида ишлар талаб даражасида эмаслиги, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тахминан 10 фоизи корхоналар омборларида қолиб кетаётгани, жумладан, меҳнат ишлаб чиқарувчи «Файз» холдинг компанияси маҳсулотлари, ип-газлама ва бошқа шу каби тайёр маҳсулотлар қолдиқлари энг кўп миқдорни ташкил этаётгани қайд этилган.

Мамлакатни модернизация қилиш жараёни бевосита инвестициявий лойиҳаларни ҳаётга самарали татбиқ этиш билан узвий боғлиқдир. Чунки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари тўла бартараф этилмаган бугунги мураккаб шароитда фақатгина сармоя киритиш ва истикболли лойиҳаларни амалга ошириш орқалигина иқтисодийнинг барқарорлигини таъминлаш мумкин. Ана шундан келиб чиқиб кўмига ишчи гуруҳи октябрь ва ноябрь ойларида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишларни қайта ўрганиб чиқди. Кўмига раиси Собир Жабборовнинг таъкидлашича, ишчи гуруҳи томонидан «Ўзбекэнерго» ДАКнинг Навоий ва «Сирдарё иссиқлик электр станциялари» да амалга оширилаётган лойиҳаларнинг бажарилиши таҳлил қилинди.

Хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАК мутасаддиларининг маълумотларига кўра, Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 478 МВт бўлган буг-га қурилмаси (ПГУ)ни қуриш учун «Газ-компрессор станцияси» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг 2012 йил охирида якунланиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, гуруҳ томонидан жойларда автомобилларни газ ёнилғиси билан таъминловчи компрессор станциялари тармоғи қурилиши масалалари ўрганилганда, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 36 та станция ишга туширилгани ва уларнинг умумий сони 176 тага етгани аниқланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма қароридида мамлакатимизда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган маҳсулотлар, энг аввало, истеъмол товарларини импорт қилиш ҳали ҳам давом этаётгани алоҳида таъкидланган эди. Қарорнинг ана шу бандида белгиланган вазифаларни таҳлил

қилиш мақсадида «Ўзэлтехсанот» уюшмаси тизимидаги корхоналар фаолияти ўрганиб чиқилди. Уюшма раиси Т.Жалиловнинг таъкидлашича, айни пайтда электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кескин оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Натижада «Нео Сан Лайт» ва «Экоэлектрон» қўшма корхоналарида «SAMSUNG» бренди остида кондиционерлар, чангюлтичлар ҳамда «ARTEL» бренди билан маиший газ плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Энергия тежовчи лампалар ишлаб чиқариш қуввати 6 млн. дан 26 млн. донага етказилди. «Зенит Электроникс» корхонасида «Самсунг Электроникс» компанияси билан ҳамкорликда «SAMSUNG» бренди остида автомат кир ювиш машиналари тайёрланиб, ички бозорга чиқарила бошланди. Бу, ўз навбатида жорий йилнинг тўққиз ойида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга олиб келди. Натижада истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 11,4, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,2 ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4 фоизга ўсди.

Ийгилишда, шунингдек, «Ўзкимёсанот» ДАК корхоналарида кимёвий иглар, парфюмерия-косметика, болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш йўлга қўйиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётгани ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Кореянинг «DK Cosmetics» компанияси билан ҳамкорликда 18 турдаги косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича «Navoiy-Beauty Cosmetics» ўзбек-корейс

қўшма корхонаси ишга туширилди. «Ўзкимёсанот» ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Р.Ёқубовнинг қайд этишича, қиймати 2,88 млн. доллардан иборат бўлган ушбу лойиҳага асосан йилига 3,24 млн. дона косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Лойиҳа амалга оширила бошланганда бери 463,2 млн. сўмлик 129,6 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, «Hunan Aloft» (Хитой) компанияси билан биргаликда «Navoiy Hunan Pulp» ўзбек-хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Целлюлозадан болача тағилги ва бошқа гигиена маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кўзда тутуви ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,78 млн. долларни ташкил этади. Шу билан бирга айни кунда тизимдаги «Жиззах пластмасса» корхонасида «Галантерея товарлари, болалар ўйинчоқлари ва пластмассадан халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш» ҳамда «Маиший кимё ва синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқариш» лойиҳаси амалга оширилаётди.

Ишчи гуруҳи, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг омборларида қолиб кетиш сабабларини «Файз» холдинг компанияси мисолида ўрганиб чиқди. Ийгилишда қайд этилганидек, бугун маҳаллий мебель бозорини йўлга қўйиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилаётгани ҳам эътибор қаратилди. Бу, албатта, соҳада кучли рақобат мавжудлигини кўрсатади. Рақобат эса бозорнинг асосий талабидир. Бунда, шубҳасиз, маҳсулот сифатидаги кўп нарса боғлиқ. Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига «Файз» холдинг компаниясида 7,8 млрд.

сўм миқдоридидаги тайёр маҳсулотлар қолдиғи қайд этилгани эса компанияда бу борадаги ишлар етарли эмаслигидан далолат бермоқда.

Бундан ташқари, корхона савдо дўконларида ҳам 1 млрд. сўм миқдоридидаги тайёр маҳсулотлар сақланмоқда. Компания мутахассислари сотиб олувчилар маҳсулотни тайёр ҳолда кўрганидан кейингина унга буюртма беришларини, шу боис компания ўз маҳсулотларини савдо дўконларида намуна сифатида қўйишга мажбур бўлаётганини таъкидламоқдалар. Ийгилишда парламент палаталарининг қўшма қароридан келиб чиқиб, ҳолдингда 2011 йилнинг 5 августига қадар тайёр маҳсулотлар қолдиғини камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани таъкидланди. Айни пайтда омборлардаги қолдиқ 3,7 млрд. сўмгача камайтганидан ташқари, ушбу қолдиқларнинг йил охирида белгиланган кўрсаткичлардан ошмаслиги ҳам таъкидланди.

Ийгилишда, шунингдек, ички ишлар билан бир қаторда энг кўп кредиторлик ва дебиторлик қарзлари «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекэнерго» ҳамда «Ўзкимёсанот» ДАКда сақланиб қолаётгани ҳам эътибор қаратилди. Депутатларнинг фикрича, дебитор қарздорликни камайтириш механизмлари мукамал ишлаб чиқилгани боис қурилаётган чора-тадбирлар қўрилган натижа бермапти.

Ана шуларни ҳисобга олиб, ийгилишда корхоналарни дебитор ва кредитор қарздорликни камайтириш механизмларини такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, саноат соҳасида малакали менежер ва кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни молиялаштириш манбалари ва босқичлари юзасидан чора-тадбирлар белгилаш бўйича тақлифлар берилди.

Мақлисида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва саноат соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир фикр ва мулоҳазалар ҳам билдирилиб, кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Инвестиция — тараққиётга хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш жараёни мазкур соҳадаги ҳуқуқий асосларни ҳам янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига қўймоқда. Ана шундан келиб чиқиб айни кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Мазкур ҳужжатнинг миллий иқтисодий тизимдаги аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасидан келиб чиқиб О'zLiDeP фракцияси аъзолари лойиҳани тайёрлашда фаол иштирок этмоқдалар.



Бахтиёр ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси:

— Президент Концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳаси чет эл инвестицияларини саноатнинг юқори технологик соҳаларига жалб этишни рағбатлантириш, юртимизда инвестицион муҳитни янада мўътадиллаштириш ҳамда сармоядорларга қулай шарт-шароитлар

яратишга қаратилгани учун ҳам О'zLiDeP мақсадларига тўла мос келади.

Хорижий сармоядорлар иштирокида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш баробарида, мамлакатимиз иқтисодийнинг экспорт салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада кўпайишига, соғлом рақобат муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бундан жорий йилнинг тўққиз ойида иқтисодиётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 12215,9 миллиард сўмни ташкил қилиб қийсий нархларда 8 фоизга ошгани ҳам кўрсатиб турибди. Шу давр оралиғида республика бўйича 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Биргина «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ишга туширилган корхоналар томонидан 23,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Хорижий инвесторларга замон талаблари асосида янада кенг шарт-шароит яратиш орқали республикамизга кириб келаётган чет эл инвестициялари оқимини кўпайтиришни назарда тутаётган ушбу қонун лойиҳа қабул қилинса, бу кўрсаткичлар бир неча баробарга ортиши мумкин.



Шавкат ТЕШАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси аъзоси:

— Ўзбекистонда яратилган қулай инвестицион муҳит доимо хорижий сармоядорлар эътиборини тортганини таъкидлаш лозим. Маълумки, 1998 йилда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонун бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бироқ вақт ўтиши билан иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технология жihatдан янгилаш юзасидан тезкор давр олдимизга қўяётган қатъий талаблар, жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳар қандай ўзгаришларга мослашувчан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ инвестиция жалб этиш масаласини кун тартибига киритмоқда, бу мазкур қонун нормаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Қонундаги айрим номуносибликларни олдини олиш мақсадида янги тайёрланган лойиҳада «чет эл инвестициялари» ва «реинвестиция» тушунчаларига аниқ таъриф берилмоқда. Унга кўра, чет эл инвесторларнинг республикамиз ҳудудида таққиланмаган тадбиркорлик фаолияти объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлари, уларга доир ҳуқуқлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлари, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромадни муомалага киритиши чет эл инвестициялари, деб эътироф этилиши белгилаб қўйилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда хорижий сармоядорларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида «ягона ойна» тамойилини жорий этиш назарда тутилган. Ундан кўзланган асосий мақсад ҳужжатлар тайёрлашда юзга келаётган айрим бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва хорижий ҳамкорларнинг вақтини тежашга қаратилгандир. Мазкур меъёرنинг амалда қўлланиши инвесторларга янада қулайлик яратиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини бир жойнинг ўзида ҳал этиш имконини беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳудудида кириш ҳуқуқини берувчи виза мuddатларини имкон қадар узоқ мuddатга чўзиш масаласи ҳам қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда. Бу амалда инвестициялар оқимининг кўпайишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан ўз вақтида кўриб чиқилаётган муҳим ҳужжатлардан биридир.

ТИББИЙ КўРИК САМАРАЛИ ўТДИ
Жиззах вилояти тиббий диагностика марказида аёлларда кўкрак бези саратони хасталигини барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишга бағишланган акция ўтказилди.
«Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ва «Ҳаёт учун» миллий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган акцияда вилоятнинг барча ҳудудларидан келган аёллар республика тиббий марказларининг малакали шифокорлари томонидан кўридан ўтказилди. Тадбир доирасида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди.
— Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган катта эътибор натижасида аёлларда учрайдиган кўкрак бези хасталигининг олдини олишга эришилмоқда, — дейди кўкрак бези саратонига қарши «Ҳаёт учун» миллий уюшмаси директори Шахноза Умарова. — Акциянинг замонавий тиббий аппаратлар ва жиҳозлар билан таъминланган, барча зарур шарт-шароитларга эга вилоят диагностика марказида ўтказилиши шифокорларга ҳам, акция иштирокчиларига ҳам катта қулайлик яратди.
(ЎЗА)

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — ЁШЛАР НИГОҲИДА
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 19 йиллиги муносабати билан ташкил этилган «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди.
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Адлия вазирликлари, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган ушбу танловда умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди.
Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб воёга етказиш жараёнида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.
Юртимиздаги барча таълим масканларида Асосий Қонунимизнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур синдириш мақсадида турли кўрик-танловлар, викториналар, интеллектуал беллашувлар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва маънавият тарғиботчилари иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар ташкил этилмоқда. Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танлови ҳам ана шундай тадбирлардандир.
Танлов якунига кўра, Бекобод шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси Дибра Болибекова Конституция мазмун-моҳиятини ишонларда ифодалаш бўйича голибликни қўлга киритди. Ўртачирчиқ туманидаги 72-умумтаълим мактаби жамоаси эса давлатимиз Асосий Қонунини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар акс этган видеороликлар йўналишида биринчи ўринни эгаллади. Конституцияда белгиланган қондалар асосида тайёрланган энг яхши тасвирий воситалар номинациясида Оҳангарон туманидаги 56-мактаб ўқувчиси Дилшод Йўлчиев голиб бўлди. Голиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичига йўланма олди.
(ЎЗА)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

web sayt: www.21asr.uz

Ютуқлардан ҳаволанмайлик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Вилоят ёшларининг иқтидор ва салоҳиятини юрт равнақига сафарбар этиш, иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, партиявий тадбирларни ташкил этишда «Камолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси ва Савдо-саноат палатаси билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида маънавий-маърифий, ижтимоий-маданий, спорт-соғломлаштириш мавзусида 78 та тадбир ўтказилиб, уларда 2000 дан зиёд ёшлар қамраб олинди. Партиявий лойиҳалар доирасидаги 83 та тадбирда эса 3700 йигит-қиз қатнашди. Вилоят кенгаши



Агар масалага 3 млн.дан зиёд аҳолиси бўлган вилоятда 1 млн. 795 минг кишининг ишга яроқли экани, уларнинг деярли 60 фоизини ёшлар ташкил этаётгани нуқтаи-назаридан каралса, Фарғонада «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада жонлантириш лозимлигини ҳис этамиз.

қошидаги «Юксалиш сари», Олтиариқдаги «Истикболли ёшлар», Кува туманидаги «Бунёдкор ёшлар» клублари фаолияти ҳам тарғибот жараёнида фаол иштирок этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, «Ёшлар қаноти» O'zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгиланганидек, иқтисодийнинг барқарор ривожланиши, инсонга сармоа киритиш ҳисобидан аҳоли турмуш сифатини оширишга йўналтирилган ислохотлар жараёнида ўз иштирокини кучайтиришга интилоқда. Жумладан, «Агробанк»нинг Риштон, «Асакабанк»нинг Фарғона шаҳри бўлимлари томонидан 104 нафар йигит-қизга жами 52 млн. сўмлик кредит ажратилишига эришилди.

Аммо бундай ютуқлар вилоятнинг Марғилон ва Кўкон шаҳарлари, Риштон, Олтиариқ ва Фарғона туман партия кенгашлари қошидаги «Ёшлар қаноти» фаолиятигана алоқадорлигини ҳам тан олиш керак. Бошқа туман кенгашларида эса ҳозирча фаолият сезилмаяпти. Бу эса ана

шу ҳудудларда ёшлар билан олиб борилаётган ишларни жонлантириш, кенгаш фаолиятини давр талабларига мослаштириши тақозо этапти.

Чунки юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратиб берилаётган имкониятлар туфайли ҳам вилоят ишбилармонлари орасида ёшлар сони тобора ортиб бораёпти. Хусусан, вилоятдаги 44332 та тадбиркорлик субъектининг 33 фоизини ёшлар ташкил этади. Шунингдек, 7737 та дехқон ва фермер хўжалиқларида ўз фаолиятини бошлаганларнинг 11 фоизи ҳам навқирон авлод вакиллари.

Агар масалага 3 млн.дан зиёд аҳолиси бўлган вилоятда 1 млн. 795 минг кишининг ишга яроқли экани, уларнинг деярли 60 фоизини ёшлар ташкил этаётгани нуқтаи-назаридан каралса, Фарғонада «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада жонлантириш лозимлигини ҳис этамиз. Айниқса, бандликни таъминлаш вилоятда долзарб аҳамият касб этишини ҳисобга олсак, юқоридаги курсаткичлар «ха-

мир учидан патир» экани янада яққолроқ намоён бўлади.

Шу ўринда 2011 йилнинг тўққиз ойида партия фаоллари ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларида иштирокчиларнинг 10 фоизи муқим иш топганидан O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгашининг «Ёшлар қаноти» жиддий ҳулосалар чиқариши лозим, деб ўйлаймиз.

Маълумки, O'zLiDeP Низомида БПТларга аҳолининг турли қатламлари, тадбиркор ва фермерлар, мулкдорлар синфининг қонуний манфаатларини ифодалаш юзасидан турли тақлифлар бериб бориш вазифаси юклатилган. Ҳўш, «Ёшлар қаноти» мутахассислари бу борада қандай тақлифларни илгари сурмоқдалар?

— O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасига бошланғич сармоа билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал этишга доир тақлифлар билдирилганми, — дейди O'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари Зоҳиджон Тўраев. — Маълумки, «Микрокредитбанк» ёшлар

учун 1 млн. сўмгача бўлган миқдорда 3 фоизли кредитлар бериши мумкин. Мазкур лойиҳанинг муҳим жиҳати шундаки, бунда учинчи томоннинг кафолат хати гаров сифатида қабул қилинади. Лекин бу маблағ фақат истеъмол кредити бўлишга ярайдиган, холос. Ёшларнинг талаб даражасида тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун эса бу миқдорни камида 3 млн. сўмга кўтариш, шунингдек, бошқа тижорат банкларида ҳам шундай кредитлар беришни йўлга қўйиш керак. Шундагина ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини янада жонлантириш орқали бандлик даражасини ошириш, пировардида эса уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга реал ҳисса қўшган бўламиз.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, бир қатор камчиликларга қарамай, Фарғонада мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган кучли интилиш мавжудлигини ҳам тан олиш лозим. Интилиш бор жойда эса тараққиёт бўлади. Айни пайтда вилоятда 45 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатаётгани, уларнинг вилоят ҳудудий маҳсулотидидаги улуши 59,5 фоизга чиқиб кетгани, O'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг ҳам оз бўлса-да ҳиссаси бор, десак, муболага бўлмайди.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, бир қатор камчиликларга қарамай, Фарғонада мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган кучли интилиш мавжудлигини ҳам тан олиш лозим. Интилиш бор жойда эса тараққиёт бўлади. Айни пайтда вилоятда 45 мингдан зиёд кичик корхона ва микрофирмалар фаолият кўрсатаётгани, уларнинг вилоят ҳудудий маҳсулотидидаги улуши 59,5 фоизга чиқиб кетгани, O'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг ҳам оз бўлса-да ҳиссаси бор, десак, муболага бўлмайди.

Бизнесга кўмаклашиш — ҳудудларни ривожлантириш демак

АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ ЯНГИ — «ЎЗБЕКИСТОН» КЎЧАСИДА «ҲАМКОРБАНК» ОАТБ ТОМОНИДАН БУЊЕД ЭТИЛГАН «ҲАМКОР» ХАЛҚАРО БИЗНЕС МАРКАЗИНИНГ ИШГА ТУШИРИЛИШИ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ»ДА ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУҲФА БЎЛДИ

Ориф ЎЛМАСОВ,
Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
«XXI ASR»

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифи чоғида мазкур марказ биносининг меъморий ечимига юксак баҳо берганлиги бежиз эмас. Эндиликда ушбу маскандаги замонавий офис хоналари, банк ва консалтинг хизмати, музокара, ўқув ва конференц заллар, меҳмонхона, ресторан тадбиркорлар хизматида.

Замонавий саройда яна бир қулайлик яратилди. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига «Ягона ойна» тамойили асосида хизматлар кўрсатишга мўлжалланган марказ ҳам ўз фаолиятини бошлади.

Бу ерда бизнес вакиллари ва фаолиятини энди бошламоқчи бўлганлар ўзларини қизиқтирган саволларга компьютер тизими ёрдамида тезкор жавоб топишлари, тегишли маслаҳатлар олишлари учун барча имконият яратилган. Марказда, шунингдек, эҳтиёжбоп ускуналар келтириш, инвестицион тақлифларни тайёрлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рекламасини ташкил этиш ва сотишга оид масалалар ҳам ҳал этилади. Бунинг учун малакали мутахассислар ажратилган.

Иқтисодий ва ҳуқуқий мавзудаги адабиётлар, қонунлар тўплами жамланган кутубхона эса бизнес вакилларининг сиёсий-ҳуқуқий онгини оширишга хизмат қилаётди. — Марказнинг очилишидан нихоятда мамнун бўлдик, — дейди O'zLiDeP Жалақудуқ туман кенгашининг аппаратур раҳбари Сурайё Муҳаммадиева. — Бу партиямиз электоратининг асосини ташкил этувчи ишбилармонлар учун яратилган яна бир қулайликдир. Марказ тадбиркорлик субъектларини зарур ахборот билан таъминлаш, уларга маслаҳат бериш тизимини такомиллаштириш, хусусан, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш, кредит ресурсларидан фойдаланиш ва ваколатли давлат органлари билан муносабатларни такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу ерда замонавий коммуникация технологиялари асосида ахборот тизимлари, ресурслари ва хизматларини яратиш бўйича



кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам эътиборга моликдир.

Очилиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Андижон вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сантао-ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтириш имкониятлари» мавзусида халқаро бизнес-форум ҳам бўлиб ўтди. Унда вилоят ижроия ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтлари, банк-молия тизими, бизнес вакиллари, шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ҳамда Фарғона вилоятларидан ташрифи буюрган тадбиркор ва ишбилармонлар, Болгария, Венгрия, Чехиянинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналари савдо-саноат ва иқтисодий бўйича маслаҳатчилари ҳам иштирок этдилар.

— Биз Андижонда ва умуман, мамлакатингизда тадбиркорлар учун қулай бизнес имкониятлари яратиб берилгани ҳамда ялли ички маҳсулотда уларнинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини гувоҳи бўлаётганимиз, — дейди Венгрия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси савдо-маданий бўйича ваколатхонаси раҳбари Ваник Янош. — Яқинда Венгрия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида ўзаро ҳамкорлик тўғри-

сида бир неча шартномалар имзоланди. Ўйлайманки, андижонлик тадбиркорлар билан автомобилсозлик, фармацевтика соҳасида янада кенгроқ ҳамкорлик ўрнатамиз. Бундан ҳар икки томон ҳам катта манфаат кўриши шубҳасиз.

— Янги очилган халқаро бизнес маркази биз каби мулкдорларнинг дунёга чиқиши учун ўзига хос «кўприк» вазифасини ўтайди, — дейди хусусий тадбиркор, халқ депутатлари Қўрғонтепа туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Муҳаббат Йўлдошева. — Айниқса, «Ўзбекизинг интернешнл» ваколатхонаси ҳамда «Ўзбек-Хитой савдо уйи», «Восход» компанияси вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, замонавий ишлаб чиқариш жўзлари олиб келиш бўйича шартномалар имзоладик.

Мухтасар қилиб айтганда, O'zLiDeP, Савдо-саноат палатаси ҳамда жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг ибратли сайёҳ-ҳаракатлари тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш, мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий босқичма-босқич ривожлантириш ҳамда жондорларига қиқш учун катта имконият туғдиришига шубҳа йўқ.

НУКУС САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Қорақалпоғистонда сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича 2011-2012 йилга мўлжалланган манзилли Дастурга мувофиқ, сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, янги туристик йўналишлар очиш, тарихий-маданий объектлар оммавийлигига эришиш, шунингдек, туризм соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар малакасини ошириш крб мақсадларга 5,8 миллиард АҚШ доллари сарфланадиган бўлди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси матбуот хизматида хабар қилинишича, тасдиқланган режага кўра, Нукус шаҳри ва Тўрткўл туманида иккита янги меҳмонхона бунёд этилса, Қорақалпоғистон пойтахтидаги «Нукус Отели» реконструкция қилинади. Бундан ташқари, миллий компаниянинг республикадаги бўлими ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан экотуризм иқтисодлари учун қулай шароит яратиш мақсадида Эллиққалъа туманидаги «Ақча кўл», Кўнғирот туманидаги Устюрт этнографик боғ ҳудудларида, шунингдек, Орол денгизининг собиқ бандаргоҳи — Мўйноқ шаҳрида янги сайёҳлик инфратузилмалари ташкил этилмоқда.

лоят, туман кенгашлари депутатлари, тадбиркор ва фермер, шифокор хотин-қизлар, ўқитувчилар, қишлоқ ва маҳалла фаоллари, талаба ёшлар иштирок этишди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жойларда тиббий хизмат маданиятини ошириш, баркамол авлодни шакллантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имконини бермоқда, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар сиёсий фаолигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш» бўлими мудири Гулбахор Тўраева. — Бундан ҳар қанча қувонсак арзийди, албатта.

Тадбир давомида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, хусусан, ёшларни ОИТС, терроризм ва гиёҳвандлик балосидан ўз вақтида огоҳ этиш, улар онгида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

КАШКАДАРЁ. Шаҳри-сабз туманидаги Чоршанба қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида O'zLiDeP вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ташаббуси билан «Соғлом ва баркамол авлод — миллатимиз келажаги» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда халқ депутатлари ви-



ЖИЗЗАХ. O'zLiDeP вилоят кенгаши ҳузурдаги «Сиёсий таълим маркази» томонидан партия ҳудудий кенгашлари масъул ходимлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган устувор вазифаларни атрофлича ўрганиш ҳамда аҳоли кенг қатламларига тушунтириш ишларини самарали ташкил этиш масалалари хусусида сўз юритилди. «Сиёсий таълим маркази» раҳбари Жаҳонгир Бобоевнинг таъкидлашича, семинар давомида иштирокчиларга солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларда ҳолислик ҳамда ошқоралиқни таъминлаш, солиқ ва статистика органларига ҳисоботларни электрон тизим бўйича тақдим этиш механизмини такомиллаштириб бориш юзасидан кенг маълумотлар берилган.

ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАЛНИНГ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмақчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзга келса, сизга иккиланмай бизга murojaat этинг!

Миллатимиз Мираб Улғабек тумани, Қорасув 6-даҳаси 19-Г йў. Ҳаёт: 0 (871) 265 80 48; 265 73 17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

МИЛЛИЙ СЕРИАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СЕРИЯСИ

Ўзбекистон телевидениесидан бир қатор миллий сериаллар премьераси қўйилмоқда, дея хабар беради apons.uz сайти. Жумладан, янги йил арафасида 50 қисмли «Опа-сингиллар» сериалида ижодкорлар умуминсоний кадриятлар, оилавий муносабатлар, меҳроқибат ҳамда ёшларнинг жамиятда тутган ўрни каби масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилганлар. 30 сериядан иборат «Фидойилар»да эса қишлоқларимизда ишлаётган тиббиёт ходимлари фаолияти атрофида ёритилди. Жорий йилда эфирга узатилиши кутилаётган «Одамлар орасида» сериалида барча воқеалар бир инсон тақдирига боғлаб кўрсатилган. Маълумотларга кўра, 30 қисмли мазкур сериал қаҳрамонлари тақдирини юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда демократик жараёнлар акс эттирилган. 15 та қисмдан иборат «Она дарё» сериалида воқеа-ҳодисалар катта дарё яқинида жойлашган балиқчилик хўжалигида бўлиб ўтади.

«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА ▼

Эзгулик ниҳоллари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
«XXI ASR»

Ахир яқин-яқингача, бундан бор-йўғи 20 йилча аввал халқимиз ўз келажagini аниқ тасаввур қила олмасди. Энди замон ҳам, ҳаёт ҳам бошқа. Собиқ шўро давридаги таҳликали кунлар ёмон бир тушдек одамлар ёдидан кўтарилиб ҳам улгурди. Бунинг учун яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди. Бироқ ана шу тинчлик-хотиржамлик ортида улкан ва машаққатли меҳнат, қанчадан-қанча юртдошларимизнинг беором ҳаёти ётганлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Аслини олганда, халқимизнинг мард ўғлонлари саналган ҳарбийлар ҳам сиз-у бизга ўхшаган одамлар, улар ҳам яхши яшаш, хотиржам ҳаёт кечириб ҳақли. Лекин улар ўзгалар бахти учун бедор бўлишдек шарафли тақдирни ўзларига муносиб кўришган. Шукри, юртимизда ана шундай фидойи инсонлар кўп, қудратли армиямиз доимо хавфсизлигимиз ҳимоясида. Президентимизнинг доно сиёсати туфайли Ўзбекистон Республикаси қисқа давр орасида ўз суверенитетининг асосий белгиларидан бири — давлат хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир миллий армиясига эга бўлди. Истиклол йилларида профессионал кадрлар — сержант ва офицерлар тайёрлаш бўйича белгиланган мақсадларга тўлиқ эришилди. Куролли Кучларда олиб борилган туб ислохотлар давомида тизимни замонавий курол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, кўшинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, миллий армиямиз замонавий ва профессионал киёфа



Куролли Кучларда олиб борилган туб ислохотлар давомида тизимни замонавий курол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди, кўшинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, миллий армиямиз замонавий ва профессионал киёфа касб этди. Куролли Кучлар сафларида ҳарбий хизматни ўташ — ҳар бир фуқаро учун обрўли фаолиятга, жасорат ва ватанпарварлик мактабига, ҳарбий хизмат эса шарафли касбга айланди.

касб этди. Куролли Кучлар сафларида ҳарбий хизматни ўташ — ҳар бир фуқаро учун обрўли фаолиятга, жасорат ва ватанпарварлик мактабига, ҳарбий хизмат эса шарафли касбга айланди. Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш тарзини тақомиллаштириш, ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинларида хизмат қилаётган ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчалар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган барча қўлайликларни яратиш бўйича қабул қилинган давлат

дастурининг ижроси қатъий назоратга олинган. Фойдаланишга топширилаётган турар-жойлар энг юксак талабларга ҳам тўла жавоб беради. Бу эса миллий армиямизда чуқурлашиб бораётган ислохотларнинг амалдаги тасдиғидир. Ўзбекистон Республикаси МХХ чегара кўшинларида хизмат қилаётган муддатли ҳарбий хизмат аскарлари, сержант ва офицерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тadbирлар ҳам эътиборга лойиқ. Зеро, халқимиз тинчлиги ва оқойишталигини муҳофаза қилаётган ҳарбий хизматчи ҳам шу юртимиз бир фарзанди сифатида унинг неъматларидан баҳраманд бўлишга тўла ҳақли. Бир аёлни бахтли қилиш, ота-онаси орзу-истакларини рўёбга чиқариш

эса унинг зиммасидаги йиғилган қарзидир. ... Кўқондаги Мамуровлар оиласида бугун ўзгача бир тантана ҳукмрон. Хондонга келинчак кириб келди. Адҳамжон ака ва Зулайхо опа МХХ чегара кўшинлари ҳарбий қисмларининг бирида хизмат қилаётган фарзанди Азизбекни эзгу орзумидлар билан уйлантиришмоқда. — Ўғлимиз ёшлигидан ҳарбийликка меҳр кўйган. Унинг орзулари рўёбга чиқди: офицер бўлиб Ватанимиз сарҳадларини муҳофаза қилишга ўз хиссасини қўшиб келаяпти, — дейди Адҳамжон ака. — Бугун эса яна бир эзгу ниятимиз ҳам ижобат бўлди. Ўғлимиз энди ўз оиласини барпо этиб, мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Маълумки, Юртбошимиз яқинда Фарғона

вилоятига ташрифлари чоғида Кўқонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор қаратиб, узоқ тарихга эга бўлган «Урда» майдони, «Эзгулик арка»сини кўздан кечирдилар. Президентимизнинг: «Янги оила қурадиган ёшлар хийбонга чиқиб кўчатлар экишга қўл уришса, ҳаётидаги энг бахтли даври шу майдон билан боғланарди» деган фикрлари эса гўё Адҳам акага ўхшаш минг-минглаб кўқонлик ота-оналарнинг дилидаги эзгу ниятлар билан боғланаётгандек. Азизбек ва унинг рафиқаси Ситорaxon ушбу давлатга жавобан «Эзгу ният» аркаси хийбонига ҳарбий хизматчилар орасида биринчилардан бўлиб олча дарахти кўчатини экидилар, келажакда шу дарахт соясида фарзандлари билан дам олиш, унинг мевасидан татиб қўришни дилларига тугиб қўйдилар. ... Ёшлар — келажакимиз эгалари. Муқаддас Ватан озодлиги ва ҳарбий қуввати йўлида жон фидо қилишга тайёр, мард ва фидойи фарзандларимиз бор экан, элимизнинг тинч-тотув ҳаёти бардавом бўлади. Юрт мавқеи эса Азизбек ва Ситора сингари янги авлод вакиллари экан ниҳоллар каби юксалиб бораверади.

Инсон ҳуқуқларини таъминлашга биз ҳам масъулмиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИҚТИСОДИЁТДА МУЛКЧИЛИКНИНГ ТУРЛИ ШАКЛЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ БЕЛГИЛАБ КЎЙИЛГАН

Зилола ЙЎЛДОШЕВА,
Зангиота туманидаги 11-давлат нотариал идораси нотариуси


Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», дейилган

Амалиётда ҳам айнан шундай эканлиги боис ўтган қисқа давр ичида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик вакиллари мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучи, жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган нуфузли қатламга айланди. Президентимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар туфайли бугун тadbиркорлар ўз бизнесларига беҳавотир инвестициялар киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, махсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши тегишли қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ва янгидан қабул қилинаётган қонунларда шахс ва

мулк муносабатларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Масалан, «Тadbиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиби қондалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ваколатли органнинг тadbиркорлар учун ҳамада кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилгани иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос вазиқасини ўтамоқда. Бу муҳим ишга барча тегишли идоралар қатори жойлардаги нотариал идоралар ҳодимлари ҳам ўз хиссасини қўшишмоқдалар. Тadbир-

корлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлган фуқароларимиз тегишли ҳужжатларни тайёрлашда бевосита бизга мурожаат этаётганларнинг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллий ҳокимликлар, банк ва солиқ муассасалари томонидан тайёрланган аксарият ҳужжатлар нотариал тасдиқланганда қонуний кучга эга бўлади. Бундан ташқари, бизнес субъектлари ўртасидаги мулк билан боғлиқ келишув ва шартномалар ҳам нотариуслар орқали расмийлаштирилса, юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олди олинади. Бу борада тadbиркорларга кўмак бериш эса соҳамиз вакиллари бундан бурчидир.

корлик фаолиятини энди бошламоқчи бўлган фуқароларимиз тегишли ҳужжатларни тайёрлашда бевосита бизга мурожаат этаётганларнинг боиси ҳам шунда. Чунки маҳаллий ҳокимликлар, банк ва солиқ муассасалари томонидан тайёрланган аксарият ҳужжатлар нотариал тасдиқланганда қонуний кучга эга бўлади. Бундан ташқари, бизнес субъектлари ўртасидаги мулк билан боғлиқ келишув ва шартномалар ҳам нотариуслар орқали расмийлаштирилса, юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олди олинади. Бу борада тadbиркорларга кўмак бериш эса соҳамиз вакиллари бундан бурчидир.



ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МУЛК ЭГАЛАРИНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ, УЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯЛАШГА ЙИЛ САЙИН КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Шу боис ҳам ислохотлар жалдлашиб, халқ ҳўжалигини барқарор ривожлантиришга эришилмоқда. Тadbиркорлик соҳасида қонун устуворлигини тўла таъминлаш эса бу борадаги энг устувор вазифалардандир. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам прокуратура идоралари сай-ҳаракати билан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, тadbиркорлик фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олиш, жойларда амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг айни даврига ўтказилган текширишлар асосида қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари, бунга имконият туғдирган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича 44 та тақдимнома киритилди, 176 нафар мансабдор шахсга нисбатан оғохлантирувлар эълон қилинди, 38 нафар шахс интизомий ва 13 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, қонунга зид ҳужжатларга нисбатан 22 та протест келтирилиб, етказилган 20,9 млн. сўм миқдордаги моддий зарар иختийрий равишда ундирилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят иши қўзғатилди, 77 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда кичик бизнес вакиллари молиявий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Мана, бир мисол. Шу йил 4 август куни вилоят прокуратураси «Ишонч телефони»га Термиз туманидаги «Олис осмон» хусусий корхонаси раҳбари Ф.Норҳамидов мурожаат қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ёрдам кўрсатилишини сўраган. Қумқўрган тумани прокуратурасининг тadbиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун амалий ёрдам кўрсатиши оид мурожаатлари ҳам қонун доирасида қаноатлантирилган.

Тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини тезроқ аниқлаш ва уларни ҳал этишда туман, шаҳар прокуратура идоралари қошида ташкил қилинган «007» рақамли «Ишонч телефон»лари жуда қўл келмоқда. Йилнинг ўтган даври мобайнида уларга 83 та мурожаат келиб тушган ва 62 таси ўз вақтида қаноатлантирилган. Шундан 7 таси тегишли миқдорда кредит олиш, 57 таси корхона ёки ҳўжалик фаолиятини кенгайтириш учун амалий ёрдам кўрсатиши, 19 таси эса бошқа масалаларга оиддир.

Қундалик ҳаётда вилоят прокуратура органларининг фаоллиги яққол сезилади. Ўтган саник ой давомида жойларда 265 та учрашув ўтказилиб, уларда 9682 нафар хусусий тadbиркор, 4893 нафар фермер иштирок этган. Тушган мурожаатлар асосида 99 нафар тadbиркорга 1474,6 млн. сўм миқдорда кредит, 4 та фермер ҳўжалигига 15,5 гектар ер майдони ажратилиши таъминланган, 235 нафар фуқарога тadbиркорлик фаолиятини бошлаш учун руҳсатнома олиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа масалаларда амалий ёрдам кўрсатилган. 2743 нафар тadbиркорга тегишлича тушунтириш берилиб, оммавий ахборот воситалари орқали 165 та чиқишлар қилинган.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз Президентининг тadbиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олишга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини тўла таъминлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Вилоят прокуратураси идоралари эса бу борада ҳуқуқий назоратни қучайтириб, кичик бизнес вакиллари, хусусий мулк эгаларининг яқин кўмакчисига айланаётди.

Бош прокуратура матбуот хизмати

ЭЪЛОН ▼

Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 261-мактаб томонидан Холназаров Қодиржон Бахрамовичга 2003 йили 9-сиффини тамомлагани ҳақида берилган U0414483-рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МОЛИЯ

web sayti: www.21tv.uz

реклама

КАПИТАЛБАНК

Ўрта синфнинг ишончли таянчи

АЙНИ ПАЙТДА БАНКЛАР КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР ЯРАТИБ, МИЖОЗЛАРНИНГ ЯКИН КЎМАКЧИСИГА АЙЛАНМОҚДА

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Ана шулардан бири ОАТБ «Капиталбанк»нинг Самарқанд филиалидир. Ушбу банк ўтган қисқа давр мобайнида молия хизматлари бозорига ўз ўрнига эга бўлди. Миждола сони ортиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Айтилик, ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида улар 150 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 350 дан ошган. 2010 йилнинг айна шу даврида кредит портфели 750 млн. сўм бўлган бўлса, ҳозирда 2 млрд. 400 минг сўмдан зиёддир.

— Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши йилдан-йил-



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ажратилган кредит маблағлари миқдори **2952,3** миллион сўмни ташкил этди. Бу сармояларнинг асосий қисми саноат, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига **187** миллион сўм, савдо ва умумий овқатланиш тизимига **928,9** миллион сўм, саноат корхоналарига эса **1094** миллион сўм, қишлоқ хўжалигига **50** миллион сўм кредит йўналтирилди.

га ортиб бормоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Мухаммадшуккур Тиловов. — Бу, шубҳасиз, соҳага қаратилган катта эътибор, мулкдорлар манфаати йўлида олиб борилаётган илчил ислохотлар самарасидир. Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу борада Давлат дастурининг қабул қилиниши эса тадбиркор имкониятларини янада кенгайтириб, хизмат кўрсатувчи молия муассасалари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ажратилган кредит маблағлари миқдори **2952,3** миллион сўмни ташкил этди. Бу сармояларнинг асосий қисми саноат, транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига **187** миллион сўм, савдо ва умумий овқатланиш тизимига **928,9** миллион сўм, саноат корхоналарига эса **1094** миллион сўм, қишлоқ хўжалигига **50** миллион сўм кредит йўналтирилди. Бу маблағлар эвазига **810,5** миллион сўмлик пойабзал, **920,4** миллион сўмлик пластмасса буюмлари, **51,4** миллион сўмлик тухум, **170** миллион сўм миқдорига гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, банк томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар миқдори тобора ошиб бормоқда. Мана, бир мисол. 2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида хусусий секторга **696,6** млн. сўм сармоя йўналтирилган бўлса, амалдаги йилнинг айна даврида ушбу кўрсаткич **2387,1** млн. сўмни ташкил этди.

— Президентимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2009 йил 28 январь) биз, тадбиркорлар учун айна мuddада бўлди. Ушбу қарор асосида ОАТБ «Капиталбанк»нинг вилоят филиалидан **300** миллион сўм кредит олдик, — дейди Самарқанд шаҳридаги «Маҳмудмурод пласт» масъулияти чекланган жамияти

раиси Маҳмудмурод Тўраев. — Натижада ишлаб чиқарилаётган пластмасса маҳсулотлари тури **45** тадан **75** тага кўлайди. Табиийки, маҳсулот тури билан бирга миқдори ҳам ошди. Ҳозиргача **250** минг дон пластмасса буюмлари тайёрлашга эришдик. Шунингдек, **18** та янги иш ўрни яратилди. Ушбу банк билан молиявий ҳамкорлигимиз давом этмоқда. Айна пайтда қўшимча лойиҳалар устида ўйлапмиз. Мақсадимиз банкдан **500** млн. сўм кредит олиб, шу ҳисобдан болалар учун турли хил ўйинчоқлар, музлатгичлар учун эҳтиёт қисмлар, янги турдаги хўжалик моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Банк миждолазларидан яна бири, «ASIR EXPORT» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси директори Ниёз Шахриповнинг сўзларига эътибор беринг:

— Биз асосан пойабзал ишлаб чиқарамиз. Маҳсулотнинг харидорлиги кўп жиҳатдан унинг сифати ва пишиқлигига боғлиқ. Ички имкониятлардан фойдаланиб, корхонанинг иқтисодий қувватини оширишга эришапмиз. Бу борада бизга «Капиталбанк» сармоялари кўл келмоқда. Ўтган йили банкнинг Самарқанд филиалидан уч йил мuddага **300** миллион сўм кредит олгандик. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми анча ошди.

Айна пайтда **50** нафар малакали ходимлар ёрдамида ойига юз минг жуфт пойабзал маҳсулотлари тайёрланмоқда. Улар ички бозордан ташқари экспортга ҳам чиқарилапти. Жумладан, жорий йил бошидан буён Қозғистон Республикасига **100** минг АҚШ доллари миқдорига маҳсулот сотдик. Бошқа режаларимиз ҳам бор. Хуллас, банк билан яқин ҳамкорлик корхонамиз тараққиётига йўл очмоқда.

Кези келганда яна бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолига истеъмол кредитлари асосида етказиб берилаяпти. Бундан аён бўладики, банк ўзига хос молиявий «кўприк» вазифасини ўтамоқда. Жумладан, харидорлар «Гулбод мебель» жи-

хозлари, «Эл-Холдинг» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган «Элдош» мотоциклларини мазкур банк кредитлари ёрдамида сотиб олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Кундалик ҳаётимизда пластик карточкалар тобора оммаллашиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Ҳозиргача банк томонидан миллий валютада тарқатилган карточкалар сони **1200** тани ташкил этмоқда. Тўққиз ой давомида уларнинг ҳисоб рақамларига **2,2** млрд. сўм маблағ ўтказилганлиги ушбу хизмат тури истеъмолчиларга кўл келаяпти.

Яна шуни айтиш ўринли-

ки, «VISA» халқаро карталари бўйича ҳам аҳоли ва хорижий сайёҳларга банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **78** та «VISA» халқаро картаси очилиб, улар ҳисоб рақамларига **122** минг АҚШ доллари миқдорига маблағ кириб қилинган. Хорижий валютада очилган дуэт карталар сони **55** тани ташкил этмоқда. Жорий йилда улар ҳисоб рақамларига **150** минг АҚШ доллари миқдорига сармоя ўтказилган.

Дарвоқе, ОАТБ «Капиталбанк» Самарқанд филиали ҳуқуқимизнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган сиёсатини изчил давом эттирмоқда. Ҳозирда банк миждолазлари саналган **104** та тадбиркорлик субъектнинг савдо нуқталарига терминаллар ўрнатилган.

Эришилган ютуқлар чеғара эмас, албатта. Танланган йўлдан бориб, мамлакатимиз ва вилоят иқтисодиёти-ни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш банк жамоасининг бирдан-бир мақсадидир.

реклама



Ҳамкорлик реал натижалар бермоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИНИ БАРКАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ, ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, БАНКЛАРНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИДА ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ БОРАСИДА САЛМОКЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИЛАЯПТИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI ASR»

Бундан беш йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон-Корея Тараққиёт банки — «ЎзКДБ» ҳам республика бозорига миждолазларга замонавий ва қулай хизмат турларини тақдим этаётган ишончли институтлардан биридир. Банк жамоаси давр талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётнинг муҳим бўғини саналган тўқимачилик, кабельсозлик, телекоммуникация, фармацевтика соҳаларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жорий йилнинг октябрь ҳолатига ушбу мақсадлар учун ажратилган кредитлар миқдори **59** млрд. сўмни ташкил этганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Айтиш мумкинки, банк сармоялари тараққиётнинг устувор мақсадларига хизмат қилапти.

Бугунги кунда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари ташкил этишда тижорат банкларининг молиявий кўмаги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, дунё иқтисодиётида кичик бизнес аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини оширишнинг муҳим омилга айланиб бормоқда. Буни дилдан ҳис этган «ЎзКДБ» жамоаси ҳам хусусий мулкдорларга камарбаста

бўлишга интиляпти. Жорий йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун **11,2** млрд. сўм сармоя йўналтирилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Эътиборлиси, жамоада кредит олишга тақдим этилган ҳар бир ҳужжат ёки лойиҳани

мақсадлар учун ажратилган кредитлар миқдори **6** млрд. **728** млн. **410** минг сўмни ташкил этмоқда. Президентимизнинг «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ мuddали кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатланти-

Банкнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасидаги самарали фаолиятини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда ушбу мақсадлар учун ажратилган кредитлар миқдори **6** млрд. **728** млн. **410** минг сўмни ташкил этмоқда.

диққат билан ўрганиш, доимий мониторинглар ўтказиш ўзига хос анъанага айланган. Истиқболли, деб топилган ҳар бир лойиҳа молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланиб, тадбиркорга яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Бу хайрли ҳаракат, шубҳасиз, жойларда қутилган натижаларни берапти.

Банк универсаллигини таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бу кўп жиҳатдан юқори малакали ходимларнинг хизмат вази-фасига ёндашуви ҳамда изланувчанлигига боғлиқ. «ЎзКДБ»нинг **1** та филиали ва **2** та мини банки айна кунда ўз ташкилий тузилмасини кучайтириш, жамоатчи-лининг банкка бўлган ишон-чини мустаҳкамлаш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. Бу эса аҳил жамоанинг миждолаз билан иш-лаш кўнимасини пухта эгаллаганидан яна бир дало-латдир.

Кези келганда банкнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш соҳасидаги самарали фаолиятини ҳам алоҳида тилга олиб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда ушбу

риш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (2009 йил 28 июнь) бу борада асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Замонавий банк хизматлари тўғрисида гап кетганда, албатта, кўз олдимизга, энг аввало, Visa карт, Интернет-банкнинг ва пластик карточкалар келади. Биз яшаётган асрда улар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. «ЎзКДБ»нинг миждолаз ҳисобланган фуқаролар ҳам айна кунда шу каби замонавий қулайликлардан баҳраманд.

Банкнинг капиталлашув даражаси тобора ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Қисқа қилиб айтганда, ёпиқ акциядорлик жамияти — «ЎзКДБ» жамоаси стратегик бизнес йўлини давом эттириб, келгусида ҳам халқаро нормалар ва стандартлар даражасида иш юритиш, хизматлар тури ва кўламини кенгайтириш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашни режалаштирган. Шу мақсадда барча куч ва имкониятлар ишга солин-моқда.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги мuddатли омонатларга маблағ қабул қилиш бошланганини маълум қилади:



«АЙЁМ»

- сақлаш мuddати — 2 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг тўланади;
- бадал миқдори чекланмаган.

«ОЛТИН КУЗ»

- сақлаш мuddати — 3 ой;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;

- фоизлар омонат мuddати тугагандан сўнг тўланади;
- бадал миқдори чекланмаган.

«ХОТИРЖАМЛИК»

- сақлаш мuddати — 1 йил;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;
- фоизлар ҳар 3 ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг тўланади;
- бадал миқдори чекланмаган.

Омонатга маблағ қабул қилиш 2011 йилнинг 31 декабрига қадар амалга оширилади. Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул, деб ҳисоблаймиз! Қўшимча маълумотларни **234-14-14, 235-42-83** телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин. www.nbu.com


Хизматлар лицензияланган.

СЎНГГИ САҲИФА

web sayti: www.21asr.uz

Самарқанд Осиё чемпионатида мезбонлик қилади

2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ЁЗГИ ОЛИМПИА УЙИНЛАРИГА ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЁТГАН ЭШКАКЧИЛАРИМИЗ 2013 ЙИЛГИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА МЕЗБОН СИФАТИДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУКИНИ КЎЛГА КИРИТДИЛАР



Шухрат ХЎЖАЕВ, «XXI ASR»

Ўзбекистон каноэ ва байдаркада эшак эшиш ҳамда эшакли слалом федерацияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун яратилган шарт-шароитлар, хусусан, Самарқанд шаҳрида барпо этилаётган замонавий эшак эшиш маркази ҳақида атрофли маълумот берилди.

— Шу кунгача Вадим Меньков ва Оляя Борзова Венгрияда бўлиб ўтган каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионати ҳамда Эронда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида совринли ўринларни банд этиб, Лондон йўлланмаларини кўлга киритдилар, — деди Ўзбекистон «Rowing and canoe» федерацияси президенти Баҳодир Тоҳиев. — Бундан ташқари, жорий йилнинг 15-18 де-

кабрида Хитойда эшакли слалом бўйича ҳамда 2012 йилнинг 25-30 апрелида Жанубий Кореяда академик эшак эшиш бўйича ўтказилган Осиё чемпионатларида Олимпия лицензиялари ўйналади. Умид қиламизки, вакилларимиз мазкур мусобақаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, йўлланмалар сонини кўпайтиришга эришадилар.

— Ўтган икки йил мобайнида чемпион бўлиш-

дан кўра ушбу унвонни сақлаб қолиш кийин, деган ибора бекорга айтилмаганини англаб етдим, — деди кетма-кет уч марта «Дунёнинг энг яхши каноэчиси» номига сазовор бўлган Вадим Меньков. — Очиғи, жорий йил Венгрияда ташкил этилган беллашувларда жисмоний кўрсаткичларим рақибларимникига нисбатан пастроқ экани сезилиб қолди. Шу боис бор эътиборимни ана шу камчиликларни барт-

раф этишга қаратайман. Тадбирда Самарқанд шаҳрида бунёд этилаётган эшак эшиш маркази ҳақида маълумот берган маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Жасур Акрамов мазкур мажмуа айнан 2013 йилги Осиё чемпионати учун тўлиқ реконструкция қилинаётганини таъкидлади.

— Тан олиш жоиз: Осиё Каноэ конфедерацияси Самарқандда замон талабларига жавоб берадиган ана шундай эшак эшиш канали борлиги учун ҳам қитъа чемпионатини мамлакатимизда ўтказишга қарор қилди, — деди Ж.Акрамов. — 2215 метр узунликдаги канал иккита — эни 130 метрни ташкил этадиган асосий ҳамда қайиқлар қайтишига имкон берувчи 58 метрли айланма ўзандан иборат.

Хабарларга кўра, яқин орада мажмуа атрофида меҳмонхона, анжуманлар зали, ошхона, сауна, машғулот ва тиббиёт хоналари барпо этилиб, каналнинг ўзи 2200 томошабинга мўлжалланган ўриндиқлар, турли хилдаги таблолар билан таъминланади.

АРЗОН ШЎРВА ТАТИМАЙДИ

Андижон вилоятининг Жалакудук туманига чегарадош ҳудуддаги айланма йўллар орқали ҳаракатланаётган «Hundai Porter» русумли автомашина кўздан кечирилганда, «LG» бренди остида контрафакт тарзда ишлаб чиқарилган 10 млн. сўмлик 45 донангли телевизорлар ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб ўтилаётганини аниқлади. Наманган вилояти боғжоначилари томонидан ҳам шунга ўхшаш қонунбузарликлар аниқланди. Жумладан, Камчик довоида ҳаракатланаётган юк автомобили боғжона назоратидан ўтказилганда 46 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар орасида «Super Slim», «Hairun» маркали 76 донан телевизор ишириб кўйилганлиги маълум бўлди. Унинг эгаси В.Тожибаев эса боғжона ходимларига бирон-бир ҳужжат тақдим қила олмади. Тошкент вилояти боғжоначиларининг алоҳида жонбозлиги туфайли эса муқаддам Тожиқстондан олиб кирилган салкам 80 млн. сўмлик телевизорларнинг ноқонуний савдосига чек қўйилди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўтган ўн ойида 1600 га яқин ана шундай ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ва текширувлар жараёнида 4,1 млрд. сўмлик салкам 53 минг донан манший техника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.



Уч нафар ҳамюртимиз қитъанинг энг зўри!

КЕЧА МАЛАЙЗИЯ ПОЙТАХТИ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ (ОФК) 2011 ЙИЛ ЛАУРЕАТЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Эътиборли томони шундаки, Жумладан, қанот ҳақами Абдухамидулло Расулов Осиёнинг 2011 йилдаги энг яхши лайнсмени, деб топилган бўлса, Равшан Эрматов кетма-кет тўртинчи маротаба қитъанинг тенгсиз рефериси номига сазовор бўлди.

Ўзбекистон терма жамоаси сардори, жорий мавсум якунида

Жанубий Кореянинг «Сеул» футбол клубидан Саудия Арабистонининг «Ал Шабаб» жамоаси сафига ўтган Сервер Жепаров эса тақдирлаш маросимининг асосий номинацияси — «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» йўналиши голиблигини кўлга киритди.

Шу тариха Сервер Жепаров иккинчи маротаба Осиёнинг энг кучли футболчиси бўлишга эришди. Эслатиб ўтамай, Сервер 2008 йилда ҳам қитъанинг энг зўр чарм тўп устаси, деб топилган.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ГУРУХ ПЕШҚАДАМИ

Келаси йили Лондонда ўтказиладиган XXX Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун кураш олиб бораётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси саралаш баҳсларининг навбатдаги ўйинида Бирлашган Араб Амириклари футболчилари билан 0:0 ҳисобида дуранг ўйнаб, нуфузли мусобақада қатнашиш имкониятини биров яхшилаб олди. Зеро, вакилларимиз ўрин олган «В» гуруҳининг бошқа икки жамоаси — Ироқ ва Австралия ўртасида сешанба кuni бўлиб ўтган йиғинда ҳам 0:0 ҳисоби қайд этилган.

Шу тариха биринчи турда Ироқ термасини 2:0 ҳисобида мағлуб этган олимпиячиларимиз гуруҳнинг яқка пешқадами бўлиб олди. Иккинчи ўринни сентябрдаги ўйинда БАА билан мурося йўлини танлаган австралияликлар банд этиб турибди. Олимпиячиларимиз навбатдаги ўйинни 27 ноябрь кuni Австралия терма жамоасига қарши ўтказди. Терма жамоаларимизнинг 2011 йилги мавсумини якунлаб берадиган мазкур учрашув «яшил қитъа»нинг йирик шаҳарларидан бири — Сиднейда бўлиб ўтади.



Мамлакатимизда шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта бошларида ўзгарувчан об-ҳаво ҳарорати кузатилиб, вақти-вақти билан ёмғир, қор ёғади. 24 ноябрь-1 декабрь кунлари баъзи жойларда ҳаво 10-15 даражагача совуб кетади. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёмғир (қор) ёғиши мумкин. Кечаси 10-15, кундузи 0-5 даража совуқ бўлиши кутилмоқда. Бухоро ва Навоий вилоятларида 26-28 ноябрда ғарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 15-20 м/с. тезликгача кучаяди. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқгача пасаяди. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёғади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлишини кўрсатади. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 26-28 ноябрда айрим жойларда ёмғир (қор) ёғиши мумкин. Шамол шарқдан 15-20 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир (қор) ёғади. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ-2 даража илиқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 25-26 ноябрь кунлари қор кўчиши хавфи бор. Ҳарорат 25 ноябрда кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ-2 даража илиқ, 26-28 ноябрь кунлари 3-8, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

реклама

Називин®

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

ОКСИМЕТАЗОЛИН

NYCOMED

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданоқ қўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Називин қадоғининг янги дизайни

ASR ILLUMIY-SIYOSIY GAZETA TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадосиф ТИШБАЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зейнолла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхом НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шухрат НОРИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қўям НАЗАРОВ, ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСҮПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳноз НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темир АБДУРАХМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНОВ, БОШ МУҲАРРИР: Мирзиё АБДУРАХМОНОВ, МАТН ТУЗУВИ: Рано АБДУАЛИМОВА, БУЛИМЛАР: Солибият — 281-40-17 (тел./факс), Ўзбекистон Республикаси ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Аxbорот ва таълим, китоб ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Тил ва адабиёт бўлими — 281-40-17 (тел./факс), Ўзбекистон Республикаси ва парламент фаолияти бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қўбўлоқ: 215-63-80 (тел./факс), ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-й. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axboro@21asr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru. © «XXI ASR»-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. «Ўзбекистон» НМИУ босмаханасида чоп этилди. Корхона махлики. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-й.

МУАССИС: Таъбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «XXI ASR» иктомий-сийсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган. Буюртма рақами: 13223. Тираж: 9 262. Бўлиқ келишилган нархда. Топширилди — 2000. ISSN 2161-497X 772161497007